

Ватан ҳимояси — олий шараф

Мард ва жасур ўғлонлар

тинч ва осойишта ҳаётимизнинг ишончли посбонлари,
Ватан дахлсизлигининг қудратли қалқонлари

■ Бўй-бастларига мос равишда саф тортган, қомати адл, боқиш-лари ўктам мана бу алп йигитлар-га бир кур разм солинг-а. Ҳарбий кийим-бошлари ўзларига ярашиб турган азаматларнинг қадамидан ўт чақнайди. Улар офицер бўлиш-га, Ватан ҳимоячилари сафида туришга қарор қилган. Улар бор-ки, ҳаётимиз тинч, турмушимиз осойишта, улар борки, тараққиёт, фаровонлик ва келажакка ишонч собит.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсиз-лигини ишончли ҳимоя қила оладиган профессионал миллий армиямиз барпо этилди. Ҳар жиҳатдан ислоҳ этилган, за-монавий қурол-яроғ, ҳарбий техника, ма-лакали сержант ва офицер кадрлар билан таъминланган Қуролли Кучларимиз тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг том маънодаги қудратли қалқонидир. Эндликда ҳарбий бўлиш, Ватанни ҳимоя қилиш юртимизда олий шараф, му-қаддас бурнга айланиб қолди, десак, асло хато бўлмайди. Мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш истагини билдираётган ёшлар сафи то-бора кенгаймоқда. Бу ўқув даргоҳла-рида юксак малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан ташкил этил-ган Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти фаолияти бунга мисол бўла олади. — Билим юртимизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун ҳарбий учувчи-лар ва авиация муҳандислиги бўйича офицер мутахассислар тайёрланади, — дейди **билим юрти бошлигининг ўринбосари, полковник Шухрат**



Холмухамедов. — Ўқишга ақлан етук, жисмонан бақувват, руҳий жиҳатдан шаклланган йигитлар Қуролли Кучлар сафида хизматни ўтаётган прапорщик-лар, мичманлар, ҳарбий хизматга қақи-рилувчилар ва уни ўтаб бўлганлар кас-бий танлов ҳамда тест синовлари асо-сида қабул қилинадилар. Битириб чиқ-қанларга лейтенант ҳарбий унвони бе-рилади. Бундан ташқари, билим юрти-миз зиммасига мамлакатимиз ҳарбий ҳаво кучларининг учувчи ва авиация му-ҳандислари таркибини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, шунингдек, ҳар-бий илмий ишларни йўналтириш ҳам юклатилган.

Баҳром НУРМАТОВ, курсант, Хатирчи туманидан: — Болаликдан учувчиликка ҳавасманд эдим. Коллежни тамомлаб, ҳарбий хиз-

матга кетдим. Кейин омадимни синаб кўриш учун билим юртига ҳужжат топ-ширдим. Ҳозир ўзим севган касб сир-ларини кунт билан ўрганаёпман. Албат-та, Ватан ҳимоячиси бўлиш осон эмас. Бу йўлда учрайдиган барча қийинчилик-ларни енгиб ўтаскинга жонажон юрти-мизни, киндик қони томган қишлоғимиз-ни, меҳрибон ота-онамизни ҳар қандай бало-қазодан асрашга, Ватанимизни му-носиб ҳимоя қилишга қодир бўламыз.

Ғайрат ЭШМОНОВ, курсант, Чирокчи туманидан: — Ҳарбийликка қизиққан билан соҳани чин маънода эгаллаш осон эмас. Бу касб инсондан чинакам ватанпарвар бўлишни талаб этади. Курсантликнинг дастлабки кунларидаёқ буни ҳис қилдик. Биз қан-дай мард ва жасур сиймоларнинг авлоди эканимиз, уларга муносиб бўлишимиз за-



рурлиги кучимизга куч қўшапти. Эл-юр-тта, она-Ватанга садоқат ҳар биримиз-нинг ҳаётимиз сазмунига айланаяпти. Ер юзида содир бўлаётган қон тўкиш-лар, турли нотинчлик ва низолар ҳақида ўйласанг, қанчадан-қанча бегуноҳ одам-лар, норасида гўдаклар қурбон бўлаёт-гани, қишлоқлару шаҳрлар вайрон эти-лаётгани ҳақида ўйласанг, шунда мам-лакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикка беихтиёр шукрона ай-тасан. Шу маънода, юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётнинг ишончли посбони, қудратли қалқонига айланган Қуролли Кучларимиз, унинг сафларида мукддас бурчини виждонан адо этаётган мард ва жасур ўғлонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

Янгиланиш жараёни

сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди

■ Ўтган 2010 йил мамлакатимиз ҳаётида тарихий из қолдирди. Эришган ютуқларимиз ҳаммамизга маълум. Энди шу натижаларни янада мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган, инсонпарвар ва ҳар бир фуқаро учун муно-сиб турмуш тарзини кафолатлайдиган давлатга айланти-риш, унинг ҳар бир гўшасини обод этиш вазифаси олди-мизда турибди.

Ўтган йилнинг энг муҳим во-қеаларидан бири Президен-тимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-да чуқурлаштириш ва фуқаро-лик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни илгари сурга-ни бўлди. Мазкур Концепция-ни амалга оширишда, айниқ-са, сиёсий партиялар олдида улкан вазифа турибди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши-нинг III пленумида мазкур Кон-цепция ижросида партиянинг амалий иштироки масаласи му-ҳокама қилинди. Концепциянинг асосий қоидалари партиямиз электорати манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ экани яна бир бор таъкидланди. Шундай экан, биз давлатимиз раҳбари-нинг қонунчилик ташаббуслари-ни амалий ҳаракатларимиз би-лан фол қўллаб-қувватлаши-миз керак. 2011 йилнинг Кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ҳар бир ва-тандошимиз қувончига сабаб бўлди. Нимага десангиз, бугун-ги кунда банд бўлган аҳолининг 74 фоизи кичик бизнес ва тад-биркорлик соҳасида меҳнат қил-моқда. Хусусий бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги, давлат бюд-жети ҳамда бюджетдан ташқа-ри жамғармаларни шаклланти-ришдаги ҳиссаси тобора орта-япти.

Президентимиз таъкидлага-нидек, *«Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан қил-диришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб ма-салалардан бири бўлмиш аҳолиимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода*

уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошииб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ри-вожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз дар-кор».

Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик ривож и электрот манфаати билан боғлиқ қатор масалаларни самарали ҳал этишга хизмат қилади. Нафа-қат бандлик, балки даромад-нинг ошиши ва ижтимоий ҳимоя йўлида имкониятлар кенгайди. Ишлаб чиқилаётган маҳсулот-лар тури ва миқдори ошади.

Шу маънода, ҳудудларни иж-тимоий-иқтисодий ривожлан-тириш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Партия ташкилотлари ва де-путатлик гуруҳлари муаммолар-ни амалда ҳал қилишга доир чуқур ҳаётий таҳлилга асослан-ган тақлифлар билан чиқши мақсадга мувофиқдир. Мухта-сар айтганда, умумий гапдан амалий ишга ўтиш лозим.

Бу борада озми-кўпми таж-рибага эгамиз. Яқинда халқ депутатлари Қашқадарё вило-ят Кенгашининг сессиясида

депутатлик гуруҳимиз ташаб-буси билан касб-хунар кол-лежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш масала-си кўриб чиқилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш дастурининг ижро-си ҳақидаги масала йил якун-лари билан бирга сессия Пре-зидентининг Фармон ва Қарор-лари ҳамда ижтимоий аҳамият-га эга бошқа меъёрий ҳужжат-ларнинг жойлардаги ижроси депутатлик гуруҳлари назора-тида бўлмоғи керак. Шу асос-да сессиялар муҳокамаларига долзарб масалаларни киритиш, парламентдаги фракциямиз аъзоларига янги қонун лойиҳа-ларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалдаги қонун ҳуж-жатларини такомиллаштириш учун аниқ ва амалий тақлиф-лар бериб боришимиз лозим.

Умуман айтганда, олдимиз-даги вазифаларни амалга ошириш депутатлар, партия-мизнинг ҳар бир аъзосидан фол ва ташаббускор бўлиш-ни, қатъийлик кўрсатишни та-қозо этади.

Олим РАВШАНОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.



Хорижда

БМТ қўмитасида
янги раҳбар иш
бошлади

Ҳиндистоннинг БМТдаги доимий вакили Хардип Сингх Пури БМТ Хавфсизлик кенгаши аксилтеррор қўмитасининг янги раҳбари сифа-тида иш бошлади. Бунгача бу лавозимда туркиялик Эртуг-рул Апахан ишлаб келаятган эди. «Террор масаласи энг долзарб муаммо-лардан бири сифатида доимо Хавфсизлик кенгашининг кун тартибида туриши керак», — деди Пури. Қўмита ХКдаги асосий бўлимлардан би-ридир. Хардип Сингх Пурининг бу лаво-зим учун танланиши Ҳиндистоннинг сиё-сий муваффақиятларидан бири дейиш мумкин, деб хабар беради БМТ ахборот хизмати.


Умумхалқ овозига қараб ҳал бўлади

Судан президенти Умар ал Башир 9 январь кун и ўтадиган референдумда шимолдан ажралишни ёқлаб овоз бериш-са, Жанубий Судан раҳбария-тига «хавфсиз ва барқарор давлат» тузишлари учун барча кўмакни беришини айтди. Ал Башир сешанба кун и Жанубий Судан маъмурий маркази Жубага



сўзлари учун отганини таъкидлаган. Солмон Тозирнинг ўлими муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинган.

референдумга қадар сўнгги сафа-рини қилар экан, шимол ва жануб-нинг бирлиги ҳам, Суданнинг икки қисмга бўлиниши ҳам умумхалқ ово-зига қараб ҳал бўлишини таъкидла-ди. Президент, шунингдек, бир мам-лакат ичиди ноқонуний жангарилик ҳаракатлари содир этиб, айирмачи-лик билан қон тўқилишини кескин қоралашини таъкидлаб ўтди.



Губернаторга суиқасд

Исломободда покистонлик кўзга кўринган сиёсатчи, Панжоб провинцияси губернатори Солман Тозир отиб ташланди. Маълумот-ларга кўра, суиқасдчи сиёсатчининг тансоқчиларидан бири амалга оширган.

Мамлакат Ички ишлар вазири Раҳмон Маликнинг баёнот беришича, қотил ўз айбини тан олган ва полицияга таслим бўлган. Жиноят содир этган тансоқчи губернаторни миллий парламентда динга қарши айтган

Озод қилиниши
сўралди

Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху рас-мий равишда АҚШ прези-денти Барак Обамага илтимоснома юборди.

Унда 1985 йили расмий Тель-Авив фойдасига жосу-лик қилишда айбланиб умр-бод қамоқ жазосига ҳукм қилинган Жонатан Поллардни Исроилга хайрихоҳ шахзода ёлланма қотил то-монидан ўлдирилган, деган қарашлар ҳам мав-жуд. Бостон полицияси қидирув-суриштирув ишларини олиб бормоқда.

АҚШда эронлик
шахзода ўлими

Эроннинг сўнгги шоҳи Муҳаммад Ризо Пахлавийнинг кенжа ўғли АҚШнинг Бостон шаҳрида ўз жонига қасд қилган. Бу хабар собиқ шоҳнинг яқинлари ва америкалик форсларни жунбушга келтирди.

Алиризо Пахлавийнинг жасади ўз ховлиси-дан топилган. Таҳлиллар у ўз жонига қасд қилганини кўрсатмоқда. Бироқ исломий дав-лат тарафдори бўлган ва Эроннинг ҳозирги тузумига хайрихоҳ шахзода ёлланма қотил то-монидан ўлдирилган, деган қарашлар ҳам мав-жуд. Бостон полицияси қидирув-суриштирув ишларини олиб бормоқда.



Бошлангич ташкилот
ташаббуси билан

Касаначи

меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояси ва манфаатлари кафолатланган, даромад манбаига эга кишидир

■ Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман кенгашлари масъул ходимлари, корхонанинг ишчи-хизматчилари, касаначилари, Чилонзор туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисла-ри иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова касаначиликнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йи-рик саноат корхоналари билан касаначиликни ри-вожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизмат-лар ўртасида кооперация-ни кенгайтиришни рағбат-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони би-лан касаначилик меҳнати жорий этила бошланди, — деди депутат. — Оилавий даромадни ошириш, банд бўлмаган фуқароларни иш-лаб чиқаришга жалб қилиш ва миллий хунармандчи-ликнинг кўп асрлик анъа-наларини янада ривожлан-тиришда касаначилик кенг имконият яратади.

Кичик корхоналар ўз уй-ларида ишлаётган фуқа-ролар билан, қонун ҳуж-жатларида белгиланган хо-димлар сонининг кўпи би-лан 30 фоизи миқдорида меҳнат шартномаси туз-ганда имтиёзлари ва пре-ференцияларини сақлаб қолади.

— Партиямизнинг Сай-ловолди дастурида аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масала-си алоҳида ўрин олган, — деди Олий Мажлис Қонун-чилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Карамова. — Шу сабабли депутатларимиз «Касана-чилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида ишламоқ-да. Нафақат янги иш ўрин-лари ташкил этиш, балки, ички бозорни маҳаллий маҳсулот ва хизматлар би-лан тўлдириш, пироварди-да кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлиқни яна-да ривожлантиришда касаначиликнинг ўрни жуда муҳим. Бугунги кун-да касаначилик фаолияти-ни ташкил этиш, иш беву-чи ва касаначи ўртасидаги шартномавий муносабат масаласи қонуности ҳуж-жатлари билан тартибга солинмоқда.

2010 йилнинг 9 ойда ка-саначилик асосида 187 мингга яқин иш ўрни та-шкил этилган. Шу тариқа қўн-дан-қўн уйда ўтирган аёл-лар, ёшлар ва ногиронлар иш билан таъминланган. 2011 йилда эса 216165 ка-саначилик иш ўринларини яратиш назарда тутилган. Шундай экан, мазкур қонун-га бугун эҳтиёж катта.

— Ҳақиқатан ҳам бу қо-

нун кўплаб кишилар ман-фаатларини таъминлашга хизмат қилади, — деди Чи-лонзор туманидаги «Қа-тортол» маҳалла фуқа-ролар йиғини раиси Шав-кат Норматов. — Масалан, бизнинг маҳалламызда ҳам кўпгина аёллар уйда би-чиш-тикиш, турли пиши-риқлар тайёрлаш ва бошқа шунга ўхшаш хунар билан шуғулланади. Тайёрлаган маҳсулотини буюртма бў-йича етказиб беради ёки бозорга олиб чиқади. Шу тариқа рўзгор тебратлади. Аммо бу соҳада қонуний асослар етарли даражада мустаҳкамланмаган, шу боис уларга меҳнат даф-тарчалари очилмаган, иж-тимоий ва меҳнат муҳофа-заси қонун билан кафолат-ланмаган. Янги қонун ло-йиҳаси устида ишлаш жа-раёнида бу каби ҳолатлар-ни ҳисобга олиш зарур, албатта.

— Йигирма йил шу корхо-нада ишлаганман, — дей-ди касаначи Гулчехра Ис-роилова. — Бу ерда иш-лаб чиқилаётган маҳ-сулотларни тайёрлаш бў-йича тажрибам етарли. Шунинг учун касаначилик шартномаси туздим. Улар менга хомашё етказиб беради. Мен уйда буюрт-мани тайёрлаб бераман. Иш ҳақи эса меҳнат унум-дорлигига боғлиқ. Яъни, қанча кўп ишласам, шун-ча кўп ҳақ оламан. Бу на-фақат даромад манбаи, балки келинларни, не-вараларим ҳам ишдан, ўқишдан бўш вақтларида хунар ўрганиши, меҳнат-каш бўлиб вояга етиши учун омил бўлаяпти.

— Бизнинг корхонамиз-да касаначиликни ривож-лантириш имкониятлари катта, — дейди кадрлар бў-лими бошлиғи Ольга Не-расова. — Айни пайтда 60 нафар касаначи билан шартнома тузганмиз. 2011 йилда ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар турини кўпай-тириш ҳисобига касаначи-лар сонини ошириш режа-лаштирилган.

Давра суҳбатида касана-чиликнинг афзаллик-лари, уни ривожлантириш-нинг турли жиҳатлари, амалиётда учраётган ай-рим муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр алмашилди. Тайёрланаётган қонун ло-йиҳасига доир тақлифлар ўртага ташланди.

Бехзод ШУКУРОВ

Жиноятга жазо муқаррар

Одамлар ҳақиға хиёнат

ёки кўп болали оилалар, ногиронлар нафақаси ҳамда кексалар пенсиясига кўз олайтирганлар ҳақида

■ Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кўп болали, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қатор қонун ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Натижада ижтимоий соҳага давлат бюджети-дан ажратилаётган маблағ сармоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бироқ орамизда бундай меҳр ва ғамхўрликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, бировлар ҳақиға кўз олайтираётганлар ҳам учраб турибди. Улар етим ва муҳтожга, бева-бечораларга ажратилган давлат маблағларини ўзлаштирмоқда.



лаштирилган. Мана шу юлғичлик бўйича 9 та жиноят иши кўзгатилды. Масалан, Қорақўл туман почта алоқа бўлимига қарашли «Қозон» бўлими бошлиғи А.Муродов ва бошқалар ўзаро тил бириктириб, 9,7 млн. сўмини талон-торож қилган. Бухоро шаҳар почта алоқа бўлими хат ташувчиси Х.Джабаров 3,6 млн. сўм пенсия пулини «ўзлаштириб» юборган. Бунинг учун у жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳозир у ойлик даромадидан 30 фоиз давлат фойдасига ўндирish йўли билан (2 йил 6 ой) ахлоқ тузатиш жазосини ўтамоқда. Ёки Учқўрғон туман почта алоқа бўлимига қарашли «Қайқи» бўлими бошлиғи М.Ҳайдарова ҳам 18,1 млн. сўм пенсия ва нафақа пулини ўз манфаати йўлида ишлатиб юборган.

Бу кимсаларнинг ўз хизмат ваколатини сунистеъмол қилиши кишини пол қолдиради. Халқимизда «Етим-есирнинг ҳақидан кўрк, у тешиб чиқади», деган қад бор.

Минг афсуски, бундай салбий ҳолатлар Пенсия жамғармасининг жойлардаги қатор бўлимлари фаолиятида ҳам учрайди. Масалан, Янгиярқиқ туман бўлимининг пенсия тайинлаш бўйича мутахассиси Х.Сайилов сохта ҳужжатлар тузиб, 12 нафар фуқарога 15,1 млн. сўм ноқонуний пенсия тайинлаган. Давлат манфаатларига зарар етказгани учун бу қонунбузарга суд ҳукми билан жиноий жазо тайинланди.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳар пенсия бўлими ходимлари томонидан 43 та ҳолатда 15,4 млн. сўм пенсия ва нафақа пуллари ортқича тўлаб юборилган. Бу каби ҳолатлар Самарқанд, Фарғона, Жиззах ва Навоий вилоятлари

бўлимларида ҳам содир этилган. Умуман, 2010 йилнинг ўтган даврида пенсия жамғармаси маблағлари ноқонуний сарфлангани ва талон-торож қилингани ҳолатлари юзасидан жами 114 та жиноят иши кўзгатилды. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш, уларни том маънода ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантириш йўлида кўламли ишлар амалга оширилди. Маҳалланинг оғбўйи ва мавқеи кучайтирилди, унинг имконият ва ваколатлари кенгайтирилди. Бу борада қонунчилигимизда ҳам махсус меъёрлар ишлаб чиқилди. Маҳалла халқимиз ҳаётининг асосига айлантирилди.

Бироқ маҳалла мутасаддилари орасида ҳам ўз нафсининг қулиға айланган, эгаллаган лавозимига нолийқ кимсалар учраб турганлиги ачинарлидир. Масалан, Боёвут туманидаги Беруний номи МҲЙ раиси М.Бойматов ва котиба Қ.Содиқова фуқароларга 9 млн. сўм нафақа пуллари ноқонуний тайинлаб, давлатга катта зарар етказган. Шунингдек, Уйчи туманидаги «Олмурут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Воҳидова 19,2 млн., Чуст туманидаги «Шоён» МҲЙ раиси А.Отажонов 4,2 млн. сўм нафақа пулини хўжасизларча сарфлаб юборган.

Прокуратура органлари томонидан 2010 йилнинг ўтган даврида ўзини ўзи бошқариш органлари мансбдор шахсларига нафақа маблағларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш ҳамда ноқонуний сарфлангани ҳолатлари юзасидан жами 127 та жиноят иши кўзгатилды.

Халқимиз ўзганинг ҳақиға, айниқса, ёрдамга муҳтож кишининг ҳақиға хиёнатни ғуноҳи азим ҳисоблайди. Бундай ишға қўл урганлардан юз ўгиришади. Дарҳақиқат, озгина виждони, имони бор одам бундай тубаникка бормаиди.

Шавкат РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғининг ўринбосари,
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Солиқ тизими

■ Истеъмол учун яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳолатларининг олдини олиш масаласига солиқ тизими ходимлари алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ангор тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган тадбирда фуқаро Э.Шомуродов мана шундай ғайриқонуний фаолият билан шуғулланаётгани маълум бўлди.

Кўза кунида синади...

Унинг уй-жойи кўздан кечирилганда, яширин цехи борлиғи, унда истеъмолға яроқсиз ёғ-мой маҳсулоти тайёрлагани маълум бўлди.

Тегишриш пайти 675 килограмм кунжар, 270 килограмм пахта ёғи, 200 килограмм мойҳувоз бўтқаси, 40 килограмм азот дориси ва қарийб 2 тоннаға яқин чигит ҳамда қўлбола мойҳувоз ускунаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шу туманда истиқомат қилувчи Б.Шомуродов ҳам чақонғина «тадбиркор» экан. Тегишриш давомида унинг хонадонидан 1,5 тоннадан ортқ кунжар, қўлбола пахта ёғи, мойҳувоз бўтқаси ва талай ускуналар олинди.

Шероборда яшовчи М.Жўраеванинг тадбиркор фаолияти туман солиқ хизмати ходимларида шубҳа уйғотди. Тадбиркорлик фаолиятиға аниқлиқ киритиш мақсадида ўтказилган тадбирда бу фуқаро кўп қаватли уйларнинг бирида тегишли ҳужжатларсиз ёғ маҳсулотлари сотаётгани аниқланди.

Унинг хонадонидан 1 миллион 687 минг сўмлик 607 литр нотоза пахта ёғи олинди. Шундай қилиб, қинғир иш унга ташвиш келтирди.

Албатта, бу «тадбиркор»лар ўзлари тайёрлаётган қўлбола маҳсулот талаб даражасида тоза ва сифатли бўлмаслигини яхши билади. Аммо нафс деган бало уларни ўз домиға тортган. Аммо бундай қинғирликларнинг чеки-чегараси бор. «Кўза кунда эмас, кунида синади», дейди халқимиз. Ҳозир аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб бўрилмоқда.

Абдуқалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:

«Бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор!»

Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон — қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин — бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб юришға албатта ҳақлидир.

Ислом КАРИМОВ



Фарҳод ДАВУТОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор:



Патила ЭРҒАШЕВА,
Фарғона вилояти,
Бувайда тумани,
«Патилахон» фермер хўжалиғи бошлиғи,
Ўзбекистон Ҳўжрамони,
ЎзХДП аъзоси:



Иброҳим ЁРМУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳри,
12-трест,
50-қурилиш участкаси бошлиғи:



Алишер ҚЎҚОНБОВ,
Тошкент шаҳри,
«Трансел» МЧЖ фирмаси директори:



Шарофат ТОШМИРҚАЗЕВА,
Тошкент шаҳри,
Халқ таълими аълоҳиси:

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур Абзам ёзиб олди.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2011 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишға топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошлангич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
ЛОТ 1-7:				
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги 22-мактабга 12х24м қўшимча спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	285 768 004 сўм	238 140 003 сўм	7 ой
Лот-2	Тайлоқ туманидаги 48-мактабга 12х24м қўшимча спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	285 483 140 сўм	237 902 617 сўм	7 ой
Лот-3	Нуробод туманидаги 4-мактабга 12х24м қўшимча спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	282 547 539 сўм	235 456 282 сўм	7 ой
Лот-4	Иштихон тумани, Бойлиота қишлоғидаги 59-мактабга 12х24м қўшимча спортзал қурилиши	287 914 717 сўм	239 928 931 сўм	7 ой
Лот-5	Пайарик туманидаги 83-мактабга 12х24м қўшимча спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	285 637 691 сўм	238 031 409 сўм	7 ой
Лот-6	Пахтачи тумани, Қарнабота қишлоғидаги 52-мактаб-интернатга 12х24м қўшимча спортзал қурилиши ёрдамчи хоналари билан	285 914 717 сўм	238 262 264 сўм	7 ой
Лот-7	Самарқанд шаҳридаги ХАЁТБ «Парвина банк» Самарқанд филиали биносини соғломлаштириш спорт марказига айлантириб реконструкция қилиш	470 314 821 сўм	391 929 017 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: — Самарқанд вилояти ҳокимлиғи инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, тел.: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларға мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдориди айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришға банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиғи, танловға қўйилган объектға ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўнималарға ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатға эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилан қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортға етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифлари ба-

ҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобға олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эға бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламаниннг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиғи биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СҮРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан

очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва манзили	Бошланғич нарх		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан (млн.сўм)	ҚҚСсиз (млн.сўм)	
1.	Сурхондарё вилояти, Оптинской тумани, Чеп ҚФЙ Ипак маҳалласи ҳудудида V тип спорт маҳмуаси қурилиши	593,670	494,725	165 кун
2.	Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги 24-умумтаълим мактаби қошида 12х24м ўлчамдаги спортзал қурилиши	259,254	216,045	120 кун
3.	Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 6-умумтаълим мактаби қошида 12х24м ўлчамдаги спортзал қурилиши	259,543	216,286	120 кун

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалға оширилади.

№	Объект номи ва манзили	Бошланғич нарх		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан (млн.сўм)	ҚҚСсиз (млн.сўм)	
1.	Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Кўчаки маҳалласи Хайрабод ҚФЙдаги II тип 50 қатновға мўлжалланган ҚВП биноси қурилиши	241,358	201,131	150 кун

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалға оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиғи «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй,

Тел/факс: (8-376) 222-49-71,

222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларға мос келишлари керак: танлов савдолари предметиинг 20 фоизи миқдориди айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришға банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиғи, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларға, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларға эға, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлиф-

ларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунға мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эға бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 70 000 — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кўни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Тошкент темир йўл коллежи томонидан 1998 йил 30 июлда Гулнора Аббосовна Миразизова номига берилган АС 072682 рақамли диплом йўқолганлиғи сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент молия институти жамоаси икти-содибет назарисига кафедраси катта ўқитувчиси Янгибой Мустафоқулвога онаси

ТРУСНОВ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Самарқанд вилоят ҳокимлиғи молия бошқар-маси жамоаси бошқарма бошлиғи

Муҳиддин ҲАСАНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг гила аъзо-лари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тадбир

Ғолиблар тақдирланди

■ Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган ҳуриқ-танлов, спорт мусобақаларининг ғолиблари ҳамда уларнинг мураббийлари, ушбу тизимда ибрат кўрсатиб келаётган ходимлар тақдирланишди.

Наманган вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилган боксчи Аҳмаджон Мамажоновга «Матиз» автомобили калитини топширди. У ўтган йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатининг олтин, жаҳон биринчилиги ва Сингапур Олимпиадасининг кумуш медалларини қўлга киритган эди.

Спортнинг яна 14 тури бўйича йилнинг энг яхшилари сифатида эътироф этилган спортчиларга, 2 нафар мураббий, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ҳам қимматбаҳо совғалар тўхфа қилинди. Улар орасида Хитойда ўтказилган XVI ёзги Осиё ўйинларининг бронза медали соҳиблари, сув полоси усталари Рамиля Холиқова, Аделина Зинурова, Анастасия Скопина, от спортдан Жаҳон кубогии мусобақаларининг 3-босқич ғолиби Умид Комилов, самбочи Наргиза Ҳамдамова, боксчи Бургут Хожибоев, мерган Нилуфар Худойбердиева, теннисчи Шарофитдин Абзалов, қиличбозлик устаси Роман Александров,

курашчи Рустам Умаров, катарэ бўйича халқаро турнирлар ғолиби Сардор Файзуллаев, фахрий спортчи Людмила Музаффарова, трамполинчилар мураббийи Георгий Ким, «Пахлавон» спорт мажмуаси қошидаги 3-БЎСМ вакиллари бор.

Тақдирлаш маросимида наманганликларнинг санъат соҳасидаги салмоқли ютуқлари ҳам эътироф этилди. Жумладан, Республика «Нихол» мукофоти соҳиби Малика Эгамбердиева «Йилнинг энг яхши ёш эстрада хонандаси», республика миқёсидаги танловларда ғолиб бўлган Наманган санъат коллежининг хор жамоаси, Баҳодирхўжа Дада-хўжаев бошчилигидаги косонсойлик дорбозлар, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Табассум» болалар рақс жамоаси, Гофуржон Мирзаев раҳбарлигидаги норинлик аскиячилар гуруҳи муносиб тақдирланди.

Анжуманда «Янги авлод — 2010» фестивалининг республика босқичи ғолибларига ҳам ўз йўналишлари бўйича мукофотлар тоширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги йил

Ўқилди умрдан яна бир китоб,
Айлаймиз тугаган йилни сарҳисоб.

Қолиб кетди ортда шукхли оилар,
Қолиб кетди ортда ғамлар, армонлар.

Кимдир севганига илк бор тўтди гул,
Кимдир айрилиқдан қад эди буткул...

Бирок бу оқшомда дилда неки бор —
Ҳамма-ҳаммасини кўмар олпоқ қор.

Янги йил улашар қалбларга сурур,
Янги оқ саҳифа очади умр.

Янги орзуларга бойланажакмиз,
Яна парвозларга шайланажакмиз.

Илҳақ кечар оилар, энтикмоқда дил —
Ҳозир, ҳозир эшик қоқар Янги йил!..
Мирнўлат МИРЗО

Футбол

■ Қитъамизнинг мазкур нуфузли мусобақасида Осиёнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб боради. Кўрмага кўра, «А» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун Қатар, Қувайт ҳамда Хитой футболчилари билан ўзаро куч синашади. Эътиборлиси, 7 январь оқшомида Дохадаги «Халифа» стадионида ўтказиладиган Қатар — Ўзбекистон терма жамоалари учрашуви билан Осиё чемпионати бошланади.



«Юрт шаъни учун майдонга тушамиз»



7 - 29 январь кунлари Доха (Қатар)да XV Осиё чемпионати финал босқичи бўлиб ўтади

Мамлакатимиз «чарм тўп» усталари 1996 йили Бирлашган Араб Амирикларида ўтказилган XI Осиё чемпионатида илк мартаба иштирок этишган. Шундан буён вакилларимиз қитъа чемпионатларида ўз омадларини синаб кўришяпти. Футболчиларимизнинг мазкур мусобақа доирасида эришган энг яхши натижаси ҳозирча чорак финал босқичи бўлиб турибди.

Юртимиз футбол мутахассиси ва мухлисларининг Қатарда ўтадиган Осиё кубоги учрашувларидан умидлари катта. Ўзбекистон футбол федерацияси Вадим Абрамов бош мураббийлик қилаётган миллий терма жамоа аъзоларининг мусобақага пухта ҳозирлик қиришлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берди.

Хўш, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг XV Осиё чемпионати олдидан имконияти қандай? Бу ҳақда мураббий ва мутахассисларимиз, футболчилар нима дейди?

Рауф ИНИЛЕЕВ, жамоаси бош мураббийи, Осиёнинг 2007 йилдаги «Энг яхши мураббийи»:
— Терма жамоамизнинг

Доха яшил майдонларида кучлилар сафидан жой олишига ишонаман. Чунки таркиб жиҳатидан вакилларимиз Осиё чемпионатлари тарихидаги энг кучли жамоалардан ҳисобланади. Мен 2007 йилда бошқарган жамоада тўп сурган Вагиз Галиулин, Одил Аҳмедов, Анзур Исмоилов, Шавкат Саломов каби ўйинчилар ўша вақтда бирмунча тажрибасиз эди. Ҳозирда улар мамлакатимиз бош жамоасининг етакчиларига айланишган. Бундан ташқари, Игнатий Нестеров, Максим Шацких, Виктор Карпенко, Тимур Копадзе сингари моҳир футболчиларнинг ёшларга ҳар жабада ўрناк бўлишларига ишонаман. Футболчиларимизга ушбу нуфузли мусобақада фақат омад тилайман.

Равшан ЭРМАТОВ, ФИФА рефериси, Осиёнинг уч қарра «Энг яхши ҳаками»:

— Тан олиш керак, қитъамизда кейинги йилларда футбол савияси анча ошди. Қитъа чемпионатида ҳар қандай жамоадан «сюрприз» кутиш мумкин. Агар унда терма жамоамизнинг имкониятлари ҳақида гапи-

радиган бўлсам, футболчиларимиз ҳар қандай рақиб билан тенгма-тенг баҳс юритишга қодир. Терма жамоамиз ярим ҳимоя чизиғида энг кучли футболчиларга эга. Терма жамоа аъзолари руҳий жиҳатдан ўзаларини мусобақага ҳозирлай олишса, Ватан шаъни учун астойдил курашишса ҳаммасини уддаласа бўлади. Ҳамюртларимизнинг камидаярим финалгача етиб боришларига ишонаман.

Сервер ЖЕПАРОВ, «Сеул» (Жанубий Корея) футбол клуби ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори:

— Осиё чемпионати бизнинг мезбонларга қарши ўтадиган учрашувимиз билан бошланади. Биз Осиё кубогига барча рақибларимизни ҳурмат қиламиз. Терма жамоа мусобақага етарлича тайёргарлик кўрди. Айни чоғда жамоадошларимнинг кайфиятлари аъло даражада. Шундай экан, унда чиройли ўйинларимиз билан мухлисларни қувонтиришга, муҳими, кучлилар қаторидан ўрин эгаллаш учун бор куч ва маҳоратимизни ишга соламиз.

Эркин ХОЛБОБО

«А» ГУРУҲИ	
1. Қатар	2. Қувайт
3. Хитой	4. Ўзбекистон
«В» ГУРУҲИ	
1. Саудия Арабистони	2. Япония
3. Иордания	4. Сурия
«С» ГУРУҲИ	
1. Жанубий Корея	2. Австралия
3. Ҳиндистон	4. Баҳрайн
«Д» ГУРУҲИ	
1. Ироқ	2. ҚХДР
3. Бирлашган Араб Амириклари	4. Эрон.
УЧРАШУВЛАР ТАКВИМИ	
7 январь Қатар — Ўзбекистон	8 январь Қувайт — Хитой
12 январь Ўзбекистон — Қувайт	13 январь Хитой — Қатар
16 январь Қатар — Қувайт	17 январь Хитой — Ўзбекистон
1/4 ФИНАЛ	
21 январь «В» 1-ўрин — «А» 2-ўрин	22 январь «А» 1-ўрин — «В» 2-ўрин
22 январь «С» 1-ўрин — «Д» 2-ўрин	23 январь «Д» 1-ўрин — «С» 2-ўрин
ЯРИМ ФИНАЛ	
25 январь	учинчи ўрин учун
28 январь	ФИНАЛ
29 январь	

Сервер Жепаров — 2010 йилнинг «Энг яхши футболчиси»

Ўзбекистон футбол федерацияси 2010 йил якунлари бўйича журналистлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларини эълон қилди. Унда мамлакатимизнинг турли оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган 74 нафар спорт журналисти иштирок этди.

Мамлакатимизнинг 2010 йилдаги «Энг яхши футболчиси» номинацияси ғолиблигини иккинчи мартаба Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров қўлга киритди. Маълумки, Жепаров ўтган мавсумнинг биринчи қисмини Тошкентнинг «Бунёдор»



жамоасида ўтказган. Сўнгра у Жанубий Кореянинг «Сеул» футболчилари сафида мамлакат чемпионига айланганди. 28 ёшли футболчи жами 95 балл тўплади. Жепаровдан атиги бир балл кам тўплаган «Пахтакор» жамоаси ярим ҳимоячиси ва 2009 йилнинг «Энг яхши футболчиси» Одил Аҳмедов иккинчи ўринни банд этди. Сўровномада учинчи погонани Боқунинг «Нефчи» футбол клуби ҳужумчиси Баҳодир Насимов эгаллади.

2010 йилнинг «Энг яхши мураббийи» деб Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев топилди. Ўз жамоаси билан Осиё чемпионатининг финалчиси бўлган ва шу йил Мексикада бўладиган жаҳон биринчилигига йўлланмага қўлга киритган бу мураббий ҳисобида 172 балл бор. Иккинчи ўрин Ўзбекистон чемпиони — Тошкентнинг «Бунёдор» жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимовга насиб қилди — 110 балл. «Шўртан» футбол клуби бош мураббийи Эдгар Гесс эса 75 балл билан ушбу номинацияда учинчи бўлди.

ОБ-ҲАВО	06-07.01. 2011	
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 6°C	☀️ 8°C
Самарқанд	☀️ 4°C	☀️ 9°C
Нукус	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Қарши	☀️ 7°C	☀️ 12°C
Урганч	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Навоий	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Фарғона	☀️ 2°C	☀️ 7°C
Бухоро	☀️ 0°C	☀️ 5°C
Андижон	☀️ 2°C	☀️ 7°C
Наманган	☀️ 2°C	☀️ 7°C
Термиз	☀️ 7°C	☀️ 12°C
Жиззах	☀️ 4°C	☀️ 9°C
Гулистон	☀️ 4°C	☀️ 9°C
Тошкент вил.	☀️ 4°C	☀️ 9°C
Лондон	☁️ -1°C	☁️ -3°C
Париж	☁️ -1°C	☁️ -2°C
Москва	☁️ -12°C	☁️ -14°C
Мадрид	☀️ 0°C	☀️ 1°C
Пекин	☀️ 2°C	☀️ 3°C
Гонгконг	☀️ 10°C	☀️ 9°C
Рим	☀️ 5°C	☀️ 6°C
Анкара	☀️ 7°C	☀️ 9°C
Токио	☀️ 6°C	☀️ 5°C
Стокгольм	☀️ -9°C	☀️ -8°C
Кейптаун	☀️ 10°C	☀️ 9°C
Қоҳира	☀️ 7°C	☀️ 6°C
Гавана	☀️ 10°C	☀️ 12°C
Вашингтон	☀️ -2°C	☀️ -3°C

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2011 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошлангич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
ЛОТ 1-2:				
Лот-1	Самарқанд тумани, Улугбек ҚФЙ Янгиариқ аҳоли пунктида 360 ўқув ўринли мактаб қурилиши	795 924 211 сўм	955 109 053 сўм	8 ой
Лот-2	Ургут тумани, Бешбулоқ ҚФЙ Қинғир аҳоли пунктида 360 ўқув ўринли мактаб қурилиши	760 374 266 сўм	912 449 119 сўм	8 ой
ЛОТ 2-4:				
Лот-1	Нарпай тумани, Ислол Шоир ҚФЙ Ногорахона аҳоли пунктида 180 ўқув ўринли мактаб қурилиши	324 184 302 сўм	389 021 162 сўм	7 ой
Лот-2	Оқдарё тумани, Қирқдархон ҚФЙ Қоратери аҳоли пунктида 140 ўқув ўринли мактаб қурилиши	348 273 153 сўм	417 927 783 сўм	7 ой
Лот-3	Тайлоқ тумани, Маданият ҚФЙ Ворсин аҳоли пунктида 280 ўқув ўринли мактаб қурилиши	616 448 087 сўм	739 737 704 сўм	8 ой
Лот-4	Ургут тумани, Хўжабаланд ҚФЙ Почвон қишлоғида 40 ўқув ўринли мактаб қурилиши	155 117 223 сўм	186 140 668 сўм	6,5 ой

Қурилиш ишлари Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Манзил: Самарқанд шаҳри, Қўқ-Сарой майдони, 1-уй, **телефон:** (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметии қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартнома-лар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга

бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Қўқ-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, **факс:** 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати-гача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Қўқ-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Ta't yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'af'or HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrew KUSTOV
Ochilburo RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 149

19432 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.45

Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5